

Онам боғи

Кечагина борлиқ эди мовий қор,
Севгидайин кун тафтидан эриди.
Эсда:
Биз ёш, қор баҳордан сервиқор,
Танимизда минг бир офтоб бор эди.

Ҳамма гўзал:
Ёши ўтган онам ҳам
Хушбўй эди хиёл сўлиқ гул мисол.
У билганни пари билмас бир олам,
Унга келиб ечиларди барча фол.

Нафасидан нафас олиб ўсдик биз:
Фарзандлару, гулу китоб ҳамроҳи.
Гулдан жозиб эди бизнинг онамиз,
Бир жаҳон баҳт бағишларди нигоҳи...

Онам боғи орзусимон турфа ранг,
Лоқайд, бачки безакларга эди ёт.
Бор мавжудот рақиби-ла қилиб жанг
Ўстириди боғ, ўғил ва қиз — зурриёд.

Шу эрам боғ замонанинг зайли-ла
Эл ўтгувчи равон йўлга айланди.
Онам!
Сизнинг умр ҳаёт майли-ла
Менинг жисму жаҳонимга жойланди...

Неча аждод кечган боғдан йўл қолди,
У йўлларда Сизу мендан йўқдир из!
Сизни Мену,
Мени Оналик олди,
Аёл зоти кетмас ҳаётдан изсиз...
1982

* * *

Ниятим, айтажак сўз, зорларимга
Муштдаккина юрак лим-лим тўлибди.
Сийраклашган киприк ораларига
Бедорлик соқчиси уя кўйибди.

Бор бўл, шундай тақдир!
Зийрак бўл, соқчи,
Даримасин уйқу эгизаги — ғафлат.
Лекин ланжлик деган маккор қароқчи
Бош суқса сенга ҳам ўқийман лаънат!
1982

Зулфия
“Тонг билан шом аро”
Сайланма китобидан